Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 22 июнь
СЕШАНБА
№ 71 (5.513).
НАРХИ 10 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН—УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВнинг Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида 1993 йил 18 июнда сўзлаган нутқи

Муҳтарам жаноб Фонд анжуманы Президенти!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу қадар мўътабар анжуманда Европа мамлакатларининг Европадан шарқда жойлашган давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш муаммолари муҳокама қилиниши ҳозирги дунёдаги бирлашув жараёнлари барқарор ва чинакам муқаррар тус олиб бораётганининг яққол далилидир. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам уларнинг сафига тобора кўпроқ даражада қўшилиб бормоқда.

Ҳозирги Европанинг атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, забардаст ишбилармонлари Совет Иттифоқи барбод бўлганидан кейин юзага келган мустақил давлатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи мушкулотларини тушуниб, хайрихоҳлик билан қараётганликлари зўр мамнуният туйғуларини уйғотмоқда. Улар тарихий мезонлар билан фикр юритмоқдалар ва неча ўн йиллар олдинги кўрмоқдалар, мутлақо янги жўғрофий—сиёсий воқеликлар рўй бераётганини фаҳмлаб олмоқдалар, Европадаги бирлашув жараёни Урал тоғлари теграсида тўхтаб қола олмаслиги ва тўхташи ҳам мумкин эмаслигини жуда яхши англамоқдалар.

Европа ва бутун дунё билан ошкора, ҳалол ва ўзаро манфаатли алоқаларга тайёрлик халқимизнинг қонига сингиб кетган деса бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шундай жўғрофий-сиёсий мавқени эгаллаб турибдики, азалдан Ғарб билан Шарқ айни шу ерда бирбирига туташган. Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим карвон йўллари қадим замонлардан буён бизнинг диёримиздан ўтган. «Буюк ипак йўли»ни эслаш кифоя, унинг анъаналари ҳозирги воқелигимизда қайтадан тикланмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон —жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси. Республикани дунёдаги салкам 160 та мамлакат тан олди, 60 та давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Биз Германия, Швейцария конфедерацияси, Австрия, Нидерландия қироллиги, Финляндия, Туркия ҳамда Европанинг бошқа давлатлари билан узоқ муддатли ва истиқболли муносабатларни йўлга қўйдик.

Бирлашув жараёнларига қўшилиш, бир томондан, жамиятдаги барқарорлик ва муқимликни, иккинчи томондан эса иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар изчил амалга оширилишини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ишончли кафолатлар яратилишини талаб қиладики, биз буни жуда яхши тушуниб турибмиз.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган қарийб икки йил ҳеч бўлмаганини рўй-рост айтмоқчиман. Бутун жамиятни ўзгартиришнинг бошқа давлатларда юз йиллар давом этган бениҳоя мураккаб жараёнларини биз тарихан қисқа муддатларда бошдан кечиришимиз лозим эди. Эски тузум бизга оғир мерос ва мажруҳ, бир ёқлама иқтисодиётни қолдирди. Бизнинг минтақамиз чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ва Совет даврида ҳам аслида арзон хомашё ва стратегик минерал бойликлар етказиб берадиган ўлка, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозор бўлиб келди. Шу сабабли биз мамлакатни шунчаки ислоҳ қилишгина қолмай, айни вақтда жамият парчаланиб кетишига йўл қўймаслик, ислоҳотларнигина эмас, давлатнинг ўзини хавф остига қўйиши мумкин бўлган ижтимоий ларзаларнинг олдини олиш учун иложи борича ҳамма ишларни қилишга мажбур эдик.

Мана шу бениҳоя мураккаб шароитда биз ўзимизнинг янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизни ишлаб чиқдик. Ўтиш даври қийинчиликларини бартараф қилиш концепциясининг пойдеворини ташкил этувчи бешта қоида шу йўлга асос қилиб олинди. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш зарур.

Иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга оширишга, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим;

Учинчи қонда — қонуннинг устунлиги. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар;

тўртинчидан, фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиши керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 18 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

бешинчидан, бозор иқтисодига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»га йўл қўймай, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Охир оқибатда ислоҳотлар номига ўтказилмайди, уларнинг асосий мақсади жадаллик эмас, балки одамларнинг фаровонлигидир.

Хўш, биз танлаб олган йўлнинг илк босқичида қандай асосий натижаларга эришилди? Бугун мен комил ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқароларнинг тотувлигини таъминлаб, бошқа минтақаларда бўлаётганидек миллатлараро можароларнинг олдини олиш имконини берди. Жамиятни янгилаш йўлида муттасил илгарилаб борилаётгани эса энг муҳим натижадир.

Аввалги тоталитар тузумнинг илдизлари қўпориб ташланмоқда, кўп партиялилик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кўникиш воқеликка айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ва очиқ демократик жамият барпо этиш учун ҳуқуқий негиз яратилиб, дастлабки қадамлар қўйилмоқда, Холис қонунчилик кузатувчилар иштирокида, муқобиллик асосида мамлакат президенти сайлови ўтказилди. МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар қатори Ўзбекистон ўзининг янги Конституциясини умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилди, бу Конституция талабчан халқаро мутахассисларнинг синовидан ўтди.

Биз миллатлараро тотувликка эришдик. Оз сонли миллатлар билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистоннинг 22 миллионли аҳолиси таркибидаги юз миллат ва элат вакиллари ишлаб турибди, она тилларида бемалол таълим олмоқда ва диний маросимларни нишонламоқда. Биз фуқаролик ҳақида қонун қабул қилдик. Бу қонун мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг ҳуқуқларини шунчаки эълон қилиб қолмасдан, бу ҳуқуқларга кафолат ҳам беради. Биз диний ақидапарастлик ва мутаассиблик хавфини бартараф қилдик. Совет империяси барбод бўлганидан кейин вужудга келган бўшлиқни мана шу ақидапарастлик ва мутаассиблик тўлдириши мумкин ва шундай хавф мавжуд эди.

Биз жамиятдаги барқарорликни таъминлаб, иқтисодиётни юксалтиришга ва минтақамиздаги битмас-туганмас бойликларни халққа хизмат қилдиришга асосий эътибор ва куч-ғайратларни қаратганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлида кўп иш қилинди. Хусусий мулкчилик турмушимизга дадил кириб келмоқда. Ҳозиргача 7 минттадан кўпроқ саноат корхонаси, хизмат соҳаси ва қишлоқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилди. Давлатга қарашли уй-жойларнинг ҳаммаси шу йил тўла-тўкис хусусийлаштирилади.

Катта иқтисодий заҳирага эга бўлган ва Европа—Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим жўғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлантиришда, ислоҳотлар ўтказишда ва иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришда давлатимизга кўмак берилиши тарафдори бўлиб турибди. Ҳозир бу ерда сармоя ва олисни кўзлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар салмоқли самара бериши шубҳасиз.

Хўш, бизнинг тасарруфимизда нималар бор, савдо-саноат доираларига, ишбилармонларга ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ҳамма кишиларга нималарни таклиф қила оламиз? Менга ажратилган вақт доирасида бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан.

1. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саккизинчи ўринда ва аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш жиҳатдан бешинчи ўринда турибди. Мамлакатда топилган 30 та олтин конининг жами заҳираси 4000 тоннадан ошади. Аммо уларнинг атиги 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтининнинг сифати дунёдаги олий андозаларга мос келади, кейинги йигирма йил мобайнида унинг сифати ҳақида шикоят тушгани йўқ. Сўнгги икки йилда эса уч марта халқаро сифат совриниг билан тақдирланди.

Ўзбекистонда катта заҳирага эга бўлган Ўттизта уран кони бор. Ҳар йили 80 минг тонна мис қазиб олямиз, Ўзбекистондаги мис заҳиралари беҳисоб, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металларнинг йирик конлари ҳам бор.

2. Ўзбекистон ривожланган қудратли энергетика базасига эгадир. Аниқланган газ заҳиралари салкам икки триллион куб метрни ташкил этади, кўмир заҳиралари икки миллиард тоннадан ошади, 140 тадан кўпроқ нефть кони бор. Кейинги икки йил ичида очилган нефть ва газ заҳиралари энергия воситалари билан ўзимизни таъминлаш ҳақидагина эмас, уларни чет элларга сотиш ҳақида ҳам гапириш имконини беради.

3. Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз экани ҳаммага маълум. Бутун Марказий Осиё икки миллион тоннага яқин пахта толаси етиштираётган бўлса, шунинг 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистонга тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Бизнинг пахтамиз Европа, МДҲ, жануби-шарқий Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинади.

Бу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — пахтани тўла қайта ишлашга эришишдан ва шу қимматли хомашёни жаҳон бозорига манфаатли тарзда чиқариб сотишдан иборат.

4. Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқидаги барча мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмини етиштириб, СССР мавжуд бўлган даврда сабзавот ва мева етказиб берувчи асосий манба бўлган эди. Ҳозир ҳам йилига 5 миллион тоннагача мева ҳосили олаётган мамлакатимиз бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр. Биздаги сабзавот ва меваларнинг кўпи ўзининг таъми жиҳатидан ноёб ҳисобланади.

Бизнинг бу тармоқдаги асосий манфаатларимиз — мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, ташиб берадиган, ўраш материаллари тайёрлайдиган корхоналар барпо этишдир.

5. Бизнинг мамлакатимиз транспортнинг ривожланган ички кўмакчи соҳаларига эгадир. Бироқ Ўзбекистон халқаро транспорт йўлларини ривожлантиришга жуда муҳтож. Қўшни мамлакатлар билан икки томонлама, шунингдек Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик дунёдаги асосий транспорт йўлларига, шу жумладан денгиз йўлларига чиқиш мақсадини кўзлайди.

Биз транспорт қатнови тармоғини кенгайтириш юзасидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Хитой билан бир қанча битимлар тузганмиз. Олмония фирмалари билан автомобилда юк ташишни ривожлантириш соҳасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Замонавий алоқа воситалари тармоғини барпо этишда Ўзбекистон Япония, Олмония, Туркиянинг бир қанча фирмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Аммо ҳали бу соҳада ва аввало алоқанинг истиқболли турларини ривожлантиришда жуда катта имкониятлар бор.

6. Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадим замонларда «Буюк ипак йўли» шу шаҳарлар орқали ўтган. Республика худудида тўрт минттадан кўпроқ монументал меъморлик ёдгорликлари бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО муҳофазасига олинди. Табиат-иқлим шароитлари сайёҳатчиларни қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.

7. Кенг ҳамкорлик, барқарор иқтисодий алоқалар банк, суғурта муассасаларининг замонавий тармоғини, молия-пул тизимини ислоҳ қилишни талаб этади, албатта. Республикада ҳорижий сармоя иштирокида банклар таъсис этиш имконияти қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Биз билан Швейцария (ЮБС, кредитсвис), Олмония (Дойчебанк) банклари билан иш юзасидан яхши алоқалар ўрнатилган, биз валюта тарзидаги олтинимизни гаров тариқасида шу банкларда сақлаяпмиз. Шунингдек Европа тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда жаҳон банки билан ҳам алоқамиз бор. Бу соҳа учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият бераяпмиз.

8. Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина тааллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Оролбўйидаги экология вазиятининг мушкуллашуви оқибатлари бутун ер куррасига таъсир қилиши мумкин. Бизга берган ёрдамлари учун Олмония ҳукуматига, турли мамлакатлардаги ҳукуматларга қарашли бўлмаган бир қанча ташкилотларга ташаккур билдирмоқчимиз. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг кўч-ғайратларини бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кулфат эртага бундан ҳам мусибатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Муҳтарам хонимлар ва муҳтарам жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр. Ҳозир республикада ҳорижий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган мингга яқин корхона ишлаб турибди. Американинг «Ньюмонт», Олмониянинг «Мерседес-бенц» ва «Сименс», Жанубий Кореянинг «Дэу» ва «Самсунг», Японияннинг «Мицубиси», Франциянинг «Элф-акитен» каби жаҳонга машҳур компаниялари, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этганлар ва барпо этмоқдалар.

Биз Ўзбекистон билан узоқ муддатли алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили эканига ишончимиз комил.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ва қоидалари ҳақида икки оғиз сўз. Биз энг катта халқаро ташкилотларга, шу жумладан БМТга, қўшилмаслик ҳаракатига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга, халқаро молия муассасаларига аъзо бўлдик. Ташқи сиёсий фаолиятимизга суверенитетни ҳурмат қилиш, барқарорликни ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини таъқиқлаш ва оммалаштирмаслик қоидалари асос қилиб олинган. Биз тажовузкор коммунистик ақидапарастликка барҳам бердик ва минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши турамиз.

Тожикистондаги ва унинг атрофидаги аҳвол бизни жуда ташвишлантирмоқда. Тожикистондаги фуқаро урушининг ҳатарли оқибатларини бартараф этиш юзасидан БМТ номига қилган мурожаатимизга амалий жавоб берган БМТ бош котиби Бутрос Ғолий жанобларидан миннатдормиз. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда Европа тожик халқининг бошига тушган кулфатга бепарво қарамоқда. МДҲ мамлакатлари ўртасида чегаралар йўқлиги эътиборга олинса, бу ердаги воқеаларнинг салбий тарзда ривожланиши Афғонистондан ва бошқа қўшни мамлакатлардан наркотик моддалар ва қурол-яроғ экспорти кўпайишини билдиради. Аслида наркотик моддаларни шимолга ташиш учун қўприк вужудга келади. Бу эса Европа учун таҳликали муаммоларни келтириб чиқармоқда ва келтириб чиқараверади.

Бутун минтақада, шу жумладан Афғонистонда барқарорликни таъминлаш Тожикистондаги барқарорликнинг омилларидан бири эканини тушунамиз. Ўзбекистон ҳукумати мана шундай барқарорлик шароитини яратиш учун Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Покистон билан яхши қўшничилик муносабатларини эзгуликлик билан йўлга қўйиб келмоқда. Биз Тошкент шаҳрида доимий ишлайдиган кенгаш тузилишини муҳокама қилишга тайёрмиз. Унда ишлаш учун минтақа мамлакатларининг вакилларини, шунингдек манфаатдор давлатлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф қилиш мумкин бўлур эди.

Назаримда, бундай кенгашнинг тузилиши одамларнинг муносиб ва осойишта яшаши учун, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш ва мустаҳкамланиб бораётган демократик меъёрларни қўллаб-қувватлаш учун шароитни таъминлаш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг асоси бўлур эди.

Эътиборингиз учун ташаккур. Саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

И. Каримов анжуман иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзлайди. Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг кенгайиб бораётган халқаро алоқалари, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан ўрнатилган иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни жалб этиш учун яратилаётган шароит, айни пайтда Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар хусусида гапиради. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон Президентининг бу нуфузли халқаро анжумандаги иштироки диёримизни жаҳонга кенгроқ танитиш, унинг обрў-эътиборини янада юксалтириш ва пировардида халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Анжуман доирасида Кавказорти ва Марказий Осиё мусулмон республикалари конференциясини ўтказиш ҳам мўлжалланган. Эрон ва Туркия вакиллари иштирокида ўтадиган бу конференцияда минтақавий ҳамкорлик борасида фикрлашиб олинади.

(ЎзА).

ШВЕЙЦАРИЯДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Швейцарияга етиб келди. Бу мамлакатнинг Кран-Монтана шаҳрида нуфузли халқаро анжуман ўз ишини бошлади. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, унда 39 мамлакат вакиллари, шу жумладан кўпгина давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар намояндалари иштирок этмоқдалар. Европанинг ишбилармон доиралари ҳам анжуманда фаол қатнашмоқда. Анжуман иштирокчилари уч кун давомида Европанинг бугуни ва келажаги, жаҳондаги ҳозирги вазият, шўролар иттифоқи ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатлар муаммоларини муҳокама қиладилар.

Бу анжуманни ҳукуматга тегишли бўлмаган «Форум фонд» ташкилоти уюштирган. 1990 йилда ташкил этилган бу фонд Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш, сиёсатдонлар ва ишбилармонлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий ва сиёсий масалаларни муҳокама қилишга ихтисослашган. Фонд маблағининг катта қисми Швейцария ижтимоий жамғармалари томонидан таъминланади. Бу йил фоннинг халқаро анжумани тўртинчи марта, янада кенгроқ миқёсда ўтказилмоқда. Анжуманнинг кун тартибига Европада барқарорлик ва хавфсизлик, Шарқдаги янги бозорлар ҳолати, сармоялар сарфлашга имтиёз бериш, энергетика, транспорт, телекоммуникация муаммолари каби масалалар киритилган.



Президентимиз фармонлари республикамиз деҳқонлари меҳнатини қадрлаш, уларга етиштирган ҳосилига қараб ҳақ тўлаш, умуман, пахтакорларимизни моддий ва маънавий рағбатлантириш — манфаатдорлик имкониятлари учун кенг ва ойдин йўл очмоқда. Бу, табиийки, деҳқон кайфиятини кўтариб, дала ишларидаги масъулиятини ҳам оширмоқда.

Риштон туманидаги «Ейнлма» жамоа хўжалигининг Шамсиддин Болтабоев бошлиқ бригада жамоаси бу йил 48 гектар ерга чигит қадаб, пайкалларда тўлиқ ниҳоллар ундириб олишга эришди. Ҳозир ғўза қатор ораларига кенг қамровли ишлов бериш қизғин тус олдирилмоқда. Улар гектаридан 26 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишаяпти. Бунда механизатор Жумабой Собировнинг фидокорлиги алоҳида ўрин тутади.

СУРАТДА: дала суворисси Ж. Собиров.

Ў. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОМИЛКОР ДАЛАСИДА

Ниҳоллар ҳароратни ёқтиради. Агар иссиқлик юқори бўлса, улар кундан-кунга ривожланади. Хайрият бир ҳафта бўлдики, қуёш астасекин атрофни қиздирмоқда.

Каттақўрғон районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг Ҳаким Қобилов бошлиқ бригада экин майдонлари дашт ерда жойлашган. Карталарда бирорта бегона ўт кўринмайди. Чунки ҳамма далада, иш билан машғул. Ғўза парвариши кундан-кунга қизитилмоқда. Учинчи ишлов тугатилиб, ниҳолларга сув қўйиш бошлаб юборилган. Культивация билан бирга минерал ўғит берилаяпти.

Бутун умрини деҳқончиликда ўтказган уста пахтакор, бригада бошлиғи ер малҳамини ниҳоятда қадрлайди. Куздаги шудгордан бошлаб далага гўнг чиқарилади. Ҳозир у ариқларга солиниб сув билан экинга юборилмоқда. Бригада қатор йиллардан бери гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил етиштириб келади.

Бу йил ҳам ниҳоллар баравж ўсмоқда. Пайкалларнинг баъзи жойларига белги қўйиб қўйилган. Бош ҳосилот Олим Аминов уни изоҳлади.

— Хўжалигимизнинг ҳамма бригадалари шу тартибда ишлайди. Иш бригада усулида ташкил қилинган. Лекин ҳар бир карта маълум кишига бўлиб берилган. Уни олган киши ғўза чиққандан бошлаб, то ҳосили пишиб етилгунча шу ер учун жавобгар. Бу усул дастлаб мазкур бригадада жорий қилинди. Бир неча йилки, ўзининг самарасини бермоқда. У ҳам одамларга, ҳам бригада бошлиқларига кўл келмоқда. Ҳар ким ўзига биркитилган пайкални тоза сақлашга ва мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қиляпти.

Жамоа аъзолари жорий йилда 70 гектар ерда ғўза парвариш қилмоқдалар. 24 апрель куни ёққан кучли дўл ғўзаларни ер билан яксон қилди. Қайтадан чигит қадашга тўғри келди. Аламат пахтакорлар, бир ҳафтада қайта уруглик қададилар.

Механизатор Шерали Убайдуллаев ғўзаларга сифатли ишлов бераётир. У ўз ишидан мамнун. Тажрибали механизатор ҳамкасби Эркин Норов билан бригадада баҳордан кеч кузгача бўлган барча ишларни бажаришади. Кузда пахта теришади ва ҳосилни қабул пунктларига ташишади.

Бригада бошлиғи Ҳаким ака Қобилов уста деҳқон. У қирқ йилдан бери далада. Шундан 28 йилини бригадага бошчилик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида пахтачиликда бой тажриба орттирди. Бир неча бор тақдирланди. Мамлакатимиз Олий Кенгашига нойб ҳам қилиб сайланди. Икки йил бурун нафақага чиқди ва бригадирликдан озод қилишларини сўраб хўжалик маъмуриятига ариза берди. Лекин раҳбарлар ҳам, бригада аъзолари ҳам бунга рози бўлишмади.

Ўтган йил ҳам яхши якунланди. Режа 140 фоиз бажарилди. Ҳосилдорлик 42 центнердан ошди. Йил якунига кўра жамоанинг баъзи аъзолари 100 минг сўмгача мукофот пули олишди. Моддий манфаатдорлик ошаётганлиги туфайли одамларнинг кайфияти яхши.

— Кўчатларни тўла ундириб олдик. Ҳозир асосий эътибор ғўза парваришига қаратилмоқда, — дейди саркор.

— Жорий йилда ҳам ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб сифатли хом ашё етиштирамиз.

Дарҳақиқат, одамлар мўл ҳосил иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Сувчилардан Умар Қўлдошев, Эргаш Йўлдошев, Мамаризо Қобилов ғўзаларни оби-ҳаётга қондирмоқдалар. Иш яхши ташкил қилинган. Шу боис ғўзалар баравж ўсмоқда. Ниҳоллар тагини юмшатишда, уларни меҳр билан парваришлашда чопиқчилардан Зебо Қўлдошева, Гулбаҳор Жомуродова, Замира Жўрақуловалар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Бригада дала шийпони атрофида жамоа учун сабзавот экилари ва мевали дарахтлар парваришланяпти. Жамоанинг унумли ишлаши ва яхши дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Сиёсий қарашлар

ҲАҚИҚАТ ЭЪТИРОФИ

Давлат оммининг онглилиги, жипслиги, эътиқоди, танлаб, олинган улуғ йўлга садоқати билан кучлидир. Хўш, мустақил Ўзбекистон фуқаролари буни қандай эътироф этмоқдалар. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеаларга муносабатлари қандай? Хусусан, одамлар ғаразли мақсадлар билан «обрў орттираётган», оқни қора қилиб кўрсатишга зўр бериб уринаётган марказий ва чет эл нашрлари чиқишларига ва аксинча Ўзбекистондаги соғлом муҳит, иқтисодий ислоҳотларга адолат, ҳолислик нуқтаи назаридан ёндошган Владимир Пильнякнинг «Ўзбекистон: барқарорлик қадр-қиммати» сарлавҳали мақоласига қандай баҳо бермоқдалар.

Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида турли соҳа ва миллат вакиллари билан мулоқотда бўлдик.

Қуйида улардан айримларининг фикр-мулоҳазалари баён этилган.

ЮРТБОШИ ОБРЎСИ—ЭЛ ОБРЎСИ

Мелибой ТУЙЧИБОЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги Ф. Хўжаев номли давлат хўжалиги меҳнат фахрийси.

●

Газетачининг сўзи далилларга асосланганлиги, хулосалари билан қудратлидир. Владимир Пильнякнинг Америкада чиқадиган «Новое русское слово» рўзномасида босилган мақоласини ўқиб шундай хулосага келдим. Муаллиф одатда жазавага айланиб кетадиган сафсатасиз, бўрттиришларсиз мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг муфассал, ҳаққоний манзарасини чизиб берган. Чамаси ушбу мақола «буюртма» асосида эмас, балки виждон амрига қулоқ тутиб ёзилган. В. Пильняк ғоят оғир меросни, муаммоларни қабул қилиб олган Президентимиз И. А. Каримовнинг мамлакатда барқарорликни сақлаб қолиш учун ғоят катта куч-ғайрат сарфлаётганини, дадиллик, ҳозиржавоблик кўрсатаётганини эътироф этади.

Ёшим етмишга яқинлашди. Ҳаётимда қатор юртбошиларни кўрдим. Яширишнинг нима кераги бор, уларнинг айримлари бутун фаолиятлари давомида Москвага сажда қилиб яшадилар. Биз уларни халқим деб ростмана жон қойитганини, бир маротаба бўлсин дадил таклифлар билан майдонга чиқишганини эслолмаймиз. Оқибатда фидокор ўзбек халқи бошига не кунлар тушмади. Энг ёмони республика ўша даврда ашаддий тўқнашувлар майдонига айланди. В. Пильняк ёзганидек, ўша вақтдаги ҳокимият идораларининг иштирокида (ёки тўғриғи раҳбарлигида) месхетиларга олдиндан тайёрланган маъшум хужум уюштирилди. Шукурки, Ислом Каримов даврида бундай хунук воқеаларнинг асари ҳам йўқ. Боиси юртбошимиз узоқни кўзлаган ҳолда дадил ва тезкор ҳаракат қилиб, барча бало-қазоларни даф қилишга муваффақ бўлмоқда. Мақолада «Ўзбекистон Президент Каримов бошчилигида ўрта аср реакцияси ва қонли бедодлик кучлари йўлида тўғон бўлиб турибди» деб жуда тўғри айтилган. Юксак баҳо барчамизни руҳлантирди. Зеро, юртбоши эътибори эл обрўсидир.

Ҳозирги қийин шароитда кўпчиликни Президент таъбири билан айтганда «Швейцарияни барпо этиш» масаласи эмас, балки пештахталарни нима билан тўлдириш, нархнавони қандай қилиб ушлаб туришга доир саволлар ўйлатиб қўйди. Иқтисодиёт билан хазиллашиб бўлмайди. Йиллар давомида таркиб топган жонли ришталарни кесиб юбориш асло мумкин эмас. Бахтга қарши буни ҳамма республикалар эндигина тушуниб етишди.

Мамлакат раҳбарияти кучли ижтимоий сиёсат юритмоқда. Хусусан ҳаётбахш фермонлар шарофати туфайли деҳқон ўз ерининг ҳақиқий эгаси бўлди. Оиламизга 25 сотих томорқа берилди. Энди сабзавот, картошка, хатто донни ўзимизда етиштираяпмиз. Узоқни кўзлаб қилинган ҳаракат кутилган натижани берди. Қишлоқ меҳнаткашларига тақсимлаб берилган ерлар ҳозир мева-сабзавотнинг 60 фоизгача бўлган қисмини бераётир.

Москва матбуоти Ўзбекистондаги муҳолифат тўғрисида кўп ёзаётган бўлса-да, аслида бизда бундай мухолифат йўқ. Ўзларини «халқ жонкуярлари» этиб кўрсатаётганларнинг аниқ таклифлари мавжуд эмас. Бунинг устига улар ҳеч нарсага ишонишмайди, ҳамма нарсани рад этишади. Муҳими халқимиз эндиликда кимга эргашини, қандай йўл тутишни аниқ белгилаб олди. Адолат барибир тантана қилади. Биз Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш ва бошқа жабҳалардаги муваффақиятлар жаҳон матбуотида эътироф этила бошланганидан бағоят хурсандмиз. Хўжалигимиз деҳқонлари, бутун ҳамқишлоқларим ҳурматимиз, миннатдорчилигимизни ифодалаб, Президент И. А. Каримов Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатишга арзийди, деган фикрни якдил қўллаб-қувватлаймиз.

ИНСОФ, ДИЁНАТ УСТИВОР

Зулфия МАМЕДОВА,
Жиззахлик уй бекаси

●

Татар фарзандиман, умрдошим яҳудий. Шу жанжаткамон ўлкада, қурувчи онласида вояга етдим. Яхшилар ёрдамида ўз ўрнимни топдим. Ўзбеклар оқ кўнгил, меҳмондўст, сабр-қанотли халқ. Улар бошқаларга жуда хайрихоҳ. Бу ердаги барча миллат ва элат вакиллари эмин-эркин ҳаёт кечириб, кўнгилдаги оппоқ ниятларни рўёбга чиқаришмоқда. Зеро, мамлакат раҳбариятининг иқтисодиёт, снёсат соҳасида, ижтимоий соҳада, бозорга ўтишда амалга ошираётган барча ишлари миллатлараро ижтимоий тотувликни таъминлаш билан боғлиқдир. Ўзим жонли гувоҳ, Ўзбекистонда бирон-бир миллат кишисини камситиш деган нарсанинг ўзи йўқ. Владимир Пильняк мард, оққўнгил инсон экан. Сабаби у ўз мақоласи билан дунёда холис сўз, инсоф, диёнат устиворлигига барчани яна бир карра ишонтирди. Мақолада айрим баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Хусусан у республиканинг бир қатор вилоятлари «деярли барча рус аҳолисини қисиб чиқарди, деса бўлади» деган фикрига мутлақо қўшилмайман. Чунки у ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ҳозир мамлакатда бутун диққат-эътибор мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-тотувликни барқарорлашга қаратилган. Президентимиз иқтилоби сакраллярни оқламайди. Ҳур Ўзбекистон келажакка комил ишонч билан бормоқда. Бу кимларнингдир «андозаси»га тушмаётган бўлса нотўғри йўлдан кетилаяпти, деган маънони англатмайди. Фикримча, Ўзбекистонда жараёнлар секинлик билан бораяпти, инсон ҳуқуқи бузилмоқда қабилидаги уйдирмаларни тарқатиб, аюханнос солаётган журналистлар, сиёсатдонлар мавжуд вазиятни, бу ердаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, ақл билан мулоҳаза юритишса маъқул бўларди.

Ҳукумат раҳбарлари кескинликка йўл қўймаслик учун кучли ижтимоий сиёсат юритишаяпти. Минтақада раҳбарнинг ўрнини тушунмоқ керак. Ўтиш даврида белгиланган йўлни рўёбга чиқаришда қатъийлик, айрим ўринларда қаттиққўллик керак эди. Халқ буни тўғри тушуниб, барча тадбирларни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистондаги барча миллатларга мансуб одамлар Конституция катта ютуқ бўлганлигини таъкидлашмоқда. Қувончлиси шуки, энг буюк давлатларнинг мутахассислари ҳам Асосий Қонунимизни ўрганиб чиқиб, андаккина бўлса-да нуқсон топишолмади. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун йўли билан тўла мустаҳкамлаб берилган. Демократия чуқур илдиз отмоқда. Эътироф этиш керак, 1991 йилда Ўзбекистонда Президент муқобиллик асосида сайланди. Биздаги русийзабон аҳолининг 99 фоизи сайловда Ислом Каримов учун овоз берганлиги ҳам кўп нарсани ойдинлаштириб берган бўлса керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Голландияга сафарини ойнажаҳон орқали қизиқиш билан кузатиб турдик. Қизиғи шундаки, деярли ҳар куни ёмғир ёғиб турадиган мамлакатда шундай тўкин ва тўкис ҳаёт яратилган. Нега энди қуёш саҳий нур сочадиган, тупроғи зар мамлакатимизда яхши ҳаёт тузолмадик. Жавоби тайин. Йиллар мобайнида дунёда шўродан афзал тузум йўқ, деб ўзмизни ўзимиз алдаб келдик. Мана энди ҳақиқий бахтга эришдик. Ниятимиз тўғри йўлдан адаштирмасин.

ЭНГ НОЗИК САВОЛ



Раҳмонберди ЭГАМБЕРДИЕВ,
Зангиотадаги бош автокорхона ҳайдовчиси

●

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримов бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашувда таъкидлаган қуйидаги сўзлар мени ғоят ўйлантирди: «Эртага эски Иттифоқ тузумини қайта тиклаш масаласи қўйилса, кимдир келиб орамизда шундай ҳаракат олиб борса одамларимизнинг неча фоизи буни ҳайрихоҳлик билан қарши олади? Бу энг оғир, энг мураккаб, энг нозик, лекин энг керакли савол. Бу саволга ҳаммамиз виждонан, юрақдан жавоб беришимиз керак».

Ишчи оиласида тарбия топдим. Ҳамкасбларим тўғри сўз, виждонли, айни пайтда камсуқум кишилардир. Биз иккиюзламачиликни, шамол қаерга эсса ўша томонга мослашиб оладиган кимсаларни ёқтирмаймиз. Президентимиз бекорга юқоридаги саволни ўртага қўймади. Сабаби мустақиллик, халқнинг миллий анъаналари, ғуруруни тиклашга қарши чиқадиган кимсалар топилди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатини Ватан манфаатидан устун қўядиганлар бўлмаслиги учун барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши керак. Токи ғаламислар одамларни йўлдан уришмасин, фикрини чалғитмасин. Шубҳа йўқ, агар ҳамкору ҳамжиҳат бўлсак, ичимиздан сотқин чиқмаса ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди!

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, муҳитга бағишланган мақолаларни ўқир эканман раҳбарлар зиммасида жуда катта масъулият ётганлигини ҳис қиламан. Саркор одамларга бош-қош бўлолмаса, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у аввало маънавий, яъни миллатни миллат қиладиган тушунча эканлигини омма онгига сингдирмаса ўз қадрини йўқотади. Ҳозирги мураккаб вазиятда Ўзбекистоннинг фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса мустақилликни мустаҳкамлаб фақат олға юришдир, деган оддий ҳақиқатни тушунтира билишнинг аҳамияти беқиёс. Одамлар сиёсий нуқтаи назардан уйғонди, лекин уларга маънавий озиқ ниҳоятда зарур.

Владимир Пильняк мақоласида мусулмон ақидапарастларининг кирдикорларини яхши очиб берган. Улар Тожикистонда ўз тажовузкорлик мақсадларини яширмаяптилар. Тожикистондаги қонли воқеалар ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши керак. Ана шуларни ақл тарозусидан ўтказар эканман, Ўзбекистон улуғларини коммунистик усуллар билан раҳбарлик қилишда, Тожикистондаги можарога аралашишда айблашаётгани ғоят ўринсиз, кулгили бир ҳол деб хулоса қиламан. Ахир Президентимиз бутун куч-қудратини, салоҳиятини мамлакатда тинчлик-хотиржамликни сақлашга қаратаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди.

Владимир Пильняк ўз мақоласида «Қишлоқлардаги кўп болали оилалар анъанага кўра не машаққатлар билан йиғган маблағини никоҳга, суннат тўйларига исроф қилди, шу сабабли уларда ғўдакларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан тузукроқ камол топтиришни таъминлаш учун маблағ қолмайди», дея таъкидлайди. Бу фикрга қўшилмай иложимиз йўқ. Демак ҳозирги шароитни ҳисобга олиб тўйларимизни камчиқим, аммо бир умрга эсда қоладиган қилиб ўтказиш хусусида жиддий бош қотиришимиз керак. Бу ҳақда матбуотда жуда кўп ёзилаяпти. Аммо натижаси кам. Ўзбек халқи икки йўл ўртасида турибди. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши ҳамжиҳатлигимизга, сайъ-ҳаракатимизга, садоқатимизга боғлиқ.

ОРАМИЗДА «ҚУҒИРЧОҚ»ЛАР БЎЛМАСИН

Ҳосият РЎЗИБОЕВА,
иқтисодчи, Тойлоқ тумани

●

Ўтмиш сабоқлари кўп. Мустақиллик нашидасини суриш насиб этган шу шукрона кунларда мозийга назар ташлаб «Хўп замонлар бўлган экан-да», деб қўяман. Сабаби қизил империя даврида тилимиздан, динимиздан, маданиятимиздан демакки, ўзлигимиздан айришга зўр бердилар. Эслайман, туппа-тузук оиланинг фарзандлари ўз она тилларини унутиб, рус тилида сўзлашни одат қилишганди. Сен ўзбекча сўзласанг, улар сенга русча жавоб қайтаришарди...

Тарихдан маданиятни, тараққиётни бизга Руссия олиб келди, деган гапларни миямизга роса қуйишди. Аммо Ўзбекистоннинг пахтаси, олтини, қорақўли ва бошқа бойликлари бўлмаса бизга ҳеч ким «меҳрибон»лик кўрсатмасди. Бахтга қарши бундай қараш шўро даврида ҳам ўзгармади. Россия катта давлат. Бироқ у асосан Ўзбекистон хом ашёси ҳисобига бойиган, буюк давлатга айланган. Шу боис кимлардир ана шу бойликлардан ажралиб қолишганига чидашолмаётир. Қаранг, таъкидланишича кейинги 15 йил ичида бошқа нарсаларни ҳисобга олмаган тақдирда камида 35 миллиард долларли бойлик — пахта ва олтин Ўзбекистондан Марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Тарих ғildиргини орқага қайтариш, СССРни қайта тиклаш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилаётганликларининг боиси ҳам ана шундан. Афсусланарлиси шуки, улар ўз мақсадларига эришиш йўлида айрим ношукур одамларимиздан фойдаланишмоқда. Асли Ўзбекистонда яшайдиган Л. Усмоновнинг «Литературная газета» ҳафталигида эълон қилинган мақоласи худди шу мақсадга хизмат қилибди. Муаллиф мустақил мамлакатимиздан фақат камчилик қидириб, раҳбарларимизни, миллатимизни имкони борича камситишга уринибди.

Эски гап — демократия атрофида жуда кўп гап-сўзлар бор. Ахир Усмонов каби кимсалар демократия бу аввало мустаҳкам тартиб-интизом, осойишталик, қонун ҳукмронлиги, тинчлик-хотиржамлик эканлигини тушунишмаса нима қилайлик? Юрагимни бир нарса кемиради: кимларнингдир «буюртма»си асосида фаолият юритаётганлар устозларининг бирдан-бир нияти қандай қилиб бўлмасин минтақада бебошлик, катта жанжал чиқариш ва уни бостириш баҳонасида мустақилликка эришган миллатларни куч билан қайта империя исканжасига тиқиш эканлигини наҳотки тушунмаётган, виждонан қийналмаётган бўлсалар...

Муҳими одамлар уйдирмаларга, бўхтону тухматларга йўл беришмаяпти. Улар одил, жасур Президентимиз атрофида янада маҳкам жипслашиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Президентимизнинг Швейцариядаги сўзлаган нутқи Ўзбекистон обрўсини осмон қадар кўтарди, нуфузини мустаҳкамлади. Илойим бахтли мамлакатга кўз тегмасин.

Дил сўзларини оққа кўчирувчи:
М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

МУАММО ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ХАЛҚАРО БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН МАСЛАҲАТЛАШУВ ҚЕНГАШИДАН

Бугунги кунда Ўзбекистон деганда уни билган ҳорижликлар кўз ўнгида кишилари тинч-тотувликда улкан бунёдкорлик ишларини олиб бораётган, ўз истиқлолини мустаҳкамлаб, тобора дунёга юз тутаётган мамлакат гавдаланади. Раҳбариятимизнинг донишмандона, изчил сиёсати, тажриба ва ютуқлари нафақат собиқ Иттифоқнинг эндиги озод республикаларини, балки жаҳоннинг катта-катта давлатларини ҳам ўзига жалб этмоқда. Кўп йиллик қарамликдан, бир ёқлама ривожланишдан сўнг мустақил бўлган эркин, ҳур диёримизда айни пайтда мураккаб ва оғир давр бошдан кечяпти. Айниқса бозор иқтисодиёти йўли бенихоя машаққатлики, унинг қийинчиликлари оқилона сиёсат юргизилаётгани, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, мустаҳкам сабр-бардоши билан енгиб ўтилмоқда. Бошқа минтақалардаги аҳвол юртимиз осмони мусаффолигининг қадрини теранроқ англатади.

Ҳамдўстлик давлатлари деҳқончилик-саноат мажмуи (ДСМ) ходимлари касаба уюшмалари халқаро бирлашмасининг маслаҳатлашув кенгаши аъзолари Тошкентга ана шундай бир паллада тўпланишди. Унда Россия, Украина, Белорусь, Молдова, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари қатнашдилар. Йиғинни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, республика ДСМ ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Тўлқин Собитов очди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. Аллануродов, республика Фахрийлар Кенгаши раиси Б. Раҳимов ўртоқлар раҳбариятимиз собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсатнинг моҳияти, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, бозор муносабатларига ўтилаётганда меҳнаткашлар ва аҳолининг бошқа табақаларини, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида батафсил гапирдилар.

Мустақиллик эълон қилган ёш мамлакат Президентимиз юритаётган қатъий ва тўғри сиёсат туфайли ўз қаддини ростлаб, дунёга бўй кўрсатмоқда. Эски уйни бузишдан аввал янги, пойдевори мустаҳкам бино қурилаяпти. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси янги суверен давлатимизни дунё миқёсида эътироф этувчи катта сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. Олий Кенгаш сессиясида «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бу ҳаётий зарурат ва тўғри йўл эканлигини барча яхши тушуниб турибди. Касаба уюшмалари ҳозирги мураккаб шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўймоқдалар. Бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Шу боисдан аҳолининг бутун қатламлари қаторида деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари ҳам мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни, шунингдек тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қизғин қўллаб-қувватлаб, эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар.

МДҲ ДСМ ходимлари касаба уюшмалари халқаро бирлашмасининг маслаҳатлашув кенгаши мувақкат раиси, Қозоғистон ДСМ ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Каримжон Базилжонов йиғилиш давомида сўзга чиқишни истаган барча кишиларга навбат берди. Украиналик, молдовалик, озарбайжонлик, россиялик, санктпетербурглик, белоруслик, тожикистонлик вакиллар ўз нутқларида амалга оширилаётган ишлар, қийинчилик ва муаммолар хусусида тўхталдилар.

Биз учрашув иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашдик.

Ким Николаевич НАГОРНИЙ, Украина ДСМ ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг раиси: — Ўзбекистонда бўлаётган ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатиб, хабардор бўлиб бораяпмиз. Бу ерда тинч-тотувлик, аҳиллик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукмронлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Одамларингиз мустақилликни мустаҳкамлаш, яратувчанлик меҳнати билан ёш мамлакатни тезроқ ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ўз фаолиятимизни меҳнаткашлар манфаатларига кўпроқ хизмат қилдира олсак катта натижаларга эришиш мумкин.

Зубаир ОРУЖЕВ, Озарбайжон ДСМ ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси: — Бизнинг республикамизда бўлаётган воқеаларни ойнаи жаҳон кўрсатувлари ва матбуот хабарлари орқали кўриб-билиб турибсизлар. Айниқса кейинги вақтларда нохуш воқеалар кучайди. Табиийки, бундай вазият касаба уюшмалар фаолиятига салбий таъсир этаяпти. Қанийди, Ўзбекистондаги шароит, имконият бизда ҳам бўлса-ю, ҳозирги қийин даврда меҳнаткашларга, халқимизга яқин мададкор, елкадош, камарбаста бўлолсак. Очиғи, сизларга жуда ҳавас қиламиз. Айниқса Президентингиз ва республика раҳбарияти ўтказаётган оқил сиёсат бизларни ҳам қувонтирмоқда. Бу ерга ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик қилиш, бир-биримизга ўргатиш ва ўрганиш учун йиғилдик. Ўйлайманки бу мақсад амалга ошмоқда.

Сергей ИВАНОВ, Беларусь ДСМ ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси: — Истиқлолга эришган юртингиз осойишта, халқингиз тинч-тотув яшаётган экан, бу аввало раҳбарият билан одамларнинг якдиллиги, ҳамнафаслигидан деб биламан. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам, дунё миқёсида ҳам нуфузи, обрў-эътибори ошиб бораётгани сир эмас. Қолаверса сизлардан ўрганадиган тажрибалар кўп. Жумладан касаба уюшмаларини меҳнаткашлар кенг қўллаб-қувватлаётган, ўз манфаатларининг ҳимоячиси деб билаётган экан, ҳамкасбларимизнинг тажрибалари эътиборга лойиқдир.

Учрашувда МДҲ ДСМ ходимлари касаба уюшмалари халқаро бирлашмаси маслаҳатлашув кенгашининг янги раиси этиб Ким Николаевич Нагорний сайланди. Анжуман қатнашчилари биринчи кунги йиғиндан сўнг Самарқандга жўнадилар. Йўлда улар жиззахлик ва сирдарёлик меҳнаткашлар вакиллари билан учрашдилар.

* * *

18 июнь куни учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов қабул қилди. У мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда аҳоли манфаатлари йўлида қилинаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Меҳмонлар Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган оқилона сиёсатни қизғин мақуллаб, меҳнатсевар, меҳмондўст ўзбек халқига эзгу тилаклар билдиришди.

Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЕР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Қонунига [Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил, № 16—18, 294-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 84-модда] қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 2-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

2. 4, 5, 6, 7 ва 9-моддалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4-модда. Посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ихтиёрида бўлади:

шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкалари каттакичиклигининг меъёрларини тасдиқлаш;

посёлкалар ва қишлоқларнинг ҳудудидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза этишни назорат қилиш;

ўз ихтиёрларига берилган ер захираларини тасарруф этиш;

ер участкасининг каттакичиклигидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари таркибига кирмайдиган посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги ерларни эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш, шунингдек ерларни олиб қўйиш;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун, уй-жой қуриш ва унга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек пичанзор ва мол боқиш учун бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи олиш;

ушбу модданинг бешинчи хатбошисида белгиланган тартибда ер бериб қўйилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш.

5-модда. Ҳокимият шаҳар идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар ҳокимиятнинг шаҳар идоралари ихтиёрида бўлади:

шаҳар доирасидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

ер участкасининг каттакичиклигидан қатъи назар шаҳар доирасида эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

жамоа хўжаликлари тузилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши масалаларини ҳал этиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги учун, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш.

Ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг шаҳар идоралари белгилаб қўядилар.

6-модда. Ҳокимият туман идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар ҳокимиятнинг туман идоралари ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, деҳқон хўжаликларига эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш, шунингдек ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида белгилаб қўйилган тартибда ер берилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини уюштириш.

Ҳокимиятнинг шаҳар таркибига кирувчи туман идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг шаҳар идоралари белгилаб қўядилар.

6-модда. Ҳокимият туман идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрида бўлади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерларни посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари билан, ҳокимиятнинг туман, шаҳар ва вилоят идоралари билан, шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда тасарруф этиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни қўриқлаш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан комплекс амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни; биринчи гуруҳга мансуб ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа объектлари эгаллаб турган ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни; сув фонди ерларини олиб қўйиш — битта ер эгасига ва битта ердан фойдаланувчига 10 гектаргача майдонда;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга заҳира ерлардан ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш;

ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш сабаблари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш, посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари, ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идораларининг ваколат доирасига кирувчи ҳоллар бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

жамоа хўжаликлари тузилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши масалаларини ҳал этиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун, уй-жой қуриш ва унга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек пичанзор ва мол боқиш учун бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи олиш;

ушбу модданинг бешинчи хатбошисида белгиланган тартибда ер бериб қўйилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш.

7-модда. Ҳокимият вилоят идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоят ҳокимият идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

ер участкасининг каттакичиклигидан қатъи назар шаҳар доирасида эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

шаҳар доирасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида белгилаб қўйилган тартибда ер берилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги учун, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш.

Ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг вилоят идоралари белгилаб қўядилар.

7-модда. Ҳокимият вилоят идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоят ҳокимият идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

ер участкасининг каттакичиклигидан қатъи назар шаҳар доирасида эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

шаҳар доирасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

ер тузишни ҳамда Давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш».

3. 10-модда:

биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда доимий эгалик қилиш учун, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда эса бошқа мақсадлар учун ҳам берилади.

Доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ер:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

саноат, транспорт, ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга;

мудофа эҳтиёжлари учун;

диний ташкилотларга;

чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда ташкилотларга берилади»;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга ер участкалари мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш учун ва фойдаланиш учун берилади»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишли равишда тўртинчи — ўнинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

4. 11-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ерни шартнома асосида ижарага муайян муддатга, қишлоқ хўжалик мақсадлари учун эса камида 10 йилга қуйидаги идоралар берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — қишлоқ ва посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари, ҳокимиятнинг туман ва шаҳар идоралари;

ушбу маъмурий тумандаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ҳокимиятнинг туман идоралари, бошқа туманлардан келган худди шу хилдаги ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларга эса ҳокимиятнинг вилоят ва шаҳар идоралари;

республика ҳамда чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ва ташкилотларга, шунингдек хорижий давлатларга, халқаро ташкилотларга, чет эл юридик шахсларига ва фуқароларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси беради».

5. 12-модда:

сарлавҳаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер участкалари бериш»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий идоралари томонидан қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади».

6. 13-модда:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тегишли ўзини ўзи бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият маҳаллий идоралари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори билан қуйидаги ҳолларда барча ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилади»;

3-бандидаги «ташкилотнинг» деган сўз «ташкилот, деҳқон хўжалигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 14-модда:

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Муайян вилоят учун кадастр баҳосига мувофиқ белгиланадиган алоҳида қиймати маҳсулдор суғориладиган ерларнинг, шунингдек алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ва тарихий-маданий объектлар ва ҳудудлар эгаллаб турган ерларнинг қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилишига алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўл қўйилади».

8. 16-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йили ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминлаш даражасига қараб белгиланади. Ўзини ўзи бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият идоралари ерни ижарага берган ҳолларда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади ва у ер солиғи ставкасидан кам бўлмаслиги керак»;

иккинчи ва учинчи қисми чиқариб ташлансин;

1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, дендрология боғлари, ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар, тарих ва маданият ёдгорликлари»;

қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида»;

3—7-бандлари тегишли равишда 4—8-бандлар деб ҳисоблансин.

9. 17-модда:

7 ва 8-бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин

«7. Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ички хўжалик ижараси тартибида вақтинча фойдаланиш учун бериш.

8. Қишлоқ хўжалик экинларини, дарахт ва буталарни суғориш учун ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан ва каналлардан белгиланган лимитларга мувофиқ сув олиш ҳуқуқига эгадирлар».

10. 18-модда:

6 ва 7-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ҳокимият маҳаллий идораларининг қарорига биноан вақтинча фойдаланиш учун бериш.

7. Қишлоқ хўжалик экинларини, дарахт ва буталарни суғориш учун ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан ва каналлардан белгиланган лимитларга мувофиқ сув олиш»;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни, агар томонларнинг бири фуқаро бўлса, суд кўриб чиқади, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасидаги низоларни эса хўжалиқ судлари кўриб чиқади».

11. 19-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ер участкалари уларнинг хоҳишига кўра ҳокимиятнинг туман ёки шаҳар идоралари томонидан аввалги ерига тенг қийматли ер участкалари ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар янги жойда олиб қўйилаётганининг ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарларни тўла ҳажмда тўлаганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиниши мумкин».

12. 20-модда:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«деҳқон хўжалиги юритиш учун»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Уй-жойга, чорбоққа нисбатан эгалик ҳуқуқи фуқарога ўтган (сотиб олинган, хусусийлаштирилган, ҳадя қилинган ёхуд меросга қолган) тақдирда ана шу иморатларга бўлган эгалик ҳуқуқи билан бирга ушбу иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик ҳуқуқи ҳам унга ўтади».

13. 21-модда:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ майдони ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ва фуқароларнинг оилалари ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, жамоа хўжалигида, бошқа жамоа корхоналарида — уларнинг юқори бошқарув идоралари томонидан, давлат хўжалигида, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — уларнинг маъмурияти томонидан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан белгиланади, мазкур кенгашларнинг қарорлари қишлоқ ва посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади».

14. 23-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари 21-модданинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари деб ҳисоблансин.

15. 23-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23-модда. Деҳқон хўжаликларига ер бериш

Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш учун, фойдаланиш учун ёки ижарага камида ўн йил муддатга ер участкаси берилади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ҳажми маҳаллий шароитларни, шунингдек, деҳқон хўжалигининг миқдорий таркибини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳол учун ҳокимиятнинг туман идоралари томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун шахсларга ер бериш тартиби қонунларда белгилаб қўйилади».

16. 25-модда:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза қилиниши лозим, уларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказилиши тупроқ-мелиоратив шароитларни ва ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни эътиборга олиб ҳокимиятнинг вилоят идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб амалга оширилади».

17. 26-модда:

3-банди «суғориладиган ерларни» деган сўзлардан олдин «мелиоратив жиҳатдан нобоп» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7-банди «ушбу Қонуннинг 53-моддасига» деган сўзлардан кейин «ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 28-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига бериш тартиби ва шартлари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳокимиятнинг тегишли вилоят идораларининг қарорига мувофиқ ер ажратиш лойиҳаларига асосан ерлари олиб қўйилаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан, шунингдек уларнинг юқори идоралари билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, диний ва бошқа ташкилотларга бериб қўйилади.

Янги тузилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга доимий эгалигини расмийлаштириш ҳамда тугатилаётган ва қайта тузилаётган (бўлиб ёки қўшиб юборилаётган)ларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини тўхтатиш, уларни тузиш, тугатиш ёки қайта тузиш тўғрисида ваколатли идоралар томонидан қарорлар қабул қилинганидан кейин ҳокимиятнинг тегишли вилоят идораларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни доимий эгалик қилиш учун бериб қўйиш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ерлари қуроқ бўлишига, ўзга ерларга суқилиб кириб қолишига, ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қонда тарқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигидаги қуроқ ерларни, ўзга ерларга суқилиб кириб қолган ерларни ва бошқа камчиликларни тугатиш уларнинг давлат ер тузиш лойиҳа ташкилотлари билан ўзаро келишувига биноан хўжаликлараро ер тузилиши тартибида ўтказилади».

19. 29-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29-модда. Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги колхозлараро, давлат-кооператив корхоналари ва ташкилотларига (колхозлараро бўрдоқичилик хўжаликларига, паррандачилик фермалари ва шу кабиларга) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар жамоа корхонасининг юқори бошқарув идораси, корхона ва ташкилот маъмуриятининг қарорига биноан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхона ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан белгиланади, ушбу Қонуннинг 28-моддасида белгиланган тартибда берилади».

20. 30-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30-модда. Кооперативларга ер бериш

Ҳокимиятнинг тегишли вилоят идоралари қарорига биноан жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув ташкилотлари, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидан ташқари) бўлинмалари негизида тузиладиган ҳамда улардан чиқадиган кооперативларга хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари ишлаб келган ерлардан ер участкалари берилади. Бу ер участкалари мазкур корхоналарнинг ерлари таркибидан олиб қўйилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонунлар билан белгиланади».

21. 33-модда:

учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шаҳар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, посёлка доираси эса ҳокимият вилоят идоралари томонидан белгиланади ва ўзгартирилади.

Шаҳар доирасидаги ҳамма ерлар ҳокимият шаҳар идоралари, посёлка доирасидаги ерлар эса посёлка ўзини ўзи бошқарув органлари ихтиёридадир».

22. 34-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34-модда. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш тартиби

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари қарорларига асосан берилади. Бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг қарорига мувофиқ ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан вақтинча фойдаланиш учун бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер участкалари беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкалари ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг қарори асосида олиб қўйилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланаётган ерлари ва бошқа ерларининг олиб қўйилиши ушбу Қонуннинг 14-моддасида белгиланган тартибда тегишли посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг, ҳокимиятнинг туман, шаҳар ва вилоят идораларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, мевали дарахтлар ва буталар билан банд бўлган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга қарашли шахсий мулк ҳуқуқидаги уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш уларга бошқа обод турар-жой биноси берилганидан ёки уларнинг хоҳишига кўра тенг қийматли ер участкаси берилган ва янги уй қуриб ёки эски уй кўчириб берилганидан сўнг, шунингдек кўрилган зарар қиймати тўла ҳажмда қопланганидан кейин ҳокимият шаҳар ва вилоят идораларининг қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчилар қилган ҳаражатлар тўланмай ва кўрган зарар қиймати қопланмасдан суд тартибида олиб қўйилади».

23. 36-модда:

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Умум фойдаланишдаги ерлардан ҳокимиятнинг шаҳар идоралари ёки посёлкаларнинг ўзини ўзи бошқарув идоралари қарорига, мувофиқ енгил иморат ва иншоотлар (савдо расталари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланиш учун ижара шартларида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга ер участкалари берилиши мумкин».

24. 41-модданинг тўртинчи қисмидан «денгиз» деган сўз чиқариб ташлансин.

25. 42-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни ҳокимият туманлар ва шаҳар идоралари қарорига мувофиқ қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда қишлоқ хўжалик мақсадлари учун фуқаролар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга вақтинча фойдаланишга берадилар».

26. 43-модда:

биринчи ва учинчи қисмидаги «қўриқхоналар» деган сўз «давлат қўриқхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27. 48-модданинг биринчи қисмидаги «ички», «ҳудудидаги сувлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

28. 49-модданинг биринчи қисми «корхоналар» деган сўздан олдин «фуқаролар» деган сўз билан тўлдирилсин.

29. 50-модда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, сув ҳавзалари сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида, дарёлар, каналлар,сув ташламалари, йўллар, қувурлар, электр таъминоти ва алоқа линиялари ёқасида муҳофаза, санитария ва иҳота тегралари белгиланиши муносабати билан ҳуқуқлари чекланишидан;»

30. 51-модданинг иккинчи қисмидаги учинчи хатбошида «мактаб ва даволаш муассасалари» деган сўзлар «мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 56-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш — устидан давлат назоратини ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий идоралари, шунингдек бу ишга махсус вакил қилинган идоралар амалга оширадилар».

32. 61-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари жамоа хўжаликларида — хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши томонидан, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжаликлари ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — маъмурият томонидан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади».

33. 62-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«62-модда. Ер хусусидаги низоларни ҳал этувчи идоралар

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасидаги ер хусусидаги низолар ҳокимият идоралари томонидан ушбу Қонунда белгиланган ваколатларга мувофиқ, суд ёки хўжалик судлари томонидан қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ерга оид муносабатлар билан боғлиқ бўлган мулкий низолар суд ёки хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Қишлоқлар ёки посёлкалар ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида фуқаролар ўртасида чиққан низолар тегишли ўзини ўзи бошқарув идоралари томонидан ҳал қилинади.

Шаҳар ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида чиққан низолар, шунингдек фуқаролараро низолар ҳокимиятнинг шаҳар идоралари томонидан ҳал қилинади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида чиққан низолар ҳокимиятнинг туман идоралари томонидан ҳал қилинади.

Томонларнинг бири республикага бўйсунувчи корхона, муассаса ва ташкилот бўлган ҳоллардаги низолар ҳамда бир вилоятнинг турли туманларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққан низолар ҳокимиятнинг вилоят идоралари томонидан ҳал қилинади.

Турли вилоятларга ёки вилоятлардан бири ва Қорақалпоғистон Республикасига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ер тўғрисида чиққан низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига киради.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг бошқа давлат ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларига оид низолар, шунингдек бошқа давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларига оид низолар Ўзбекистон Республикаси ва манфаатдор давлат вакилларидан тенглик асосида тузиладиган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби хусусида якка тартибда қурилган иморатларга бирга эгалик қилувчилар ўртасида чиққан низолар судлар томонидан кўриб чиқилади.

Умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби фуқароларга тегишли иморатларнинг қисмларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади».

34. 63-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳокимият маҳаллий идораларининг ер хусусидаги низо юзасидан чиқарган қарорига томонларнинг бири норози бўлган тақдирда томонлардан бири фуқаро бўлганида судга, ер хусусидаги низо корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққанида эса — Ўзбекистон Республикасининг хўжалиқ судларига шикоят қилиши мумкин».

35. 14, 15, 16, 18, 36, 37, 39, 40, 47, 49, 51, 52, 58, 60, 61, 64-моддалардаги «халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари шаҳар Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари район Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари область Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари» деган атамалар «ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият идоралари», «ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият маҳаллий идоралари», «қишлоқ (посёлка) ўзини ўзи бошқарув идоралари», «ҳокимиятнинг шаҳар идоралари», «ҳокимиятнинг туман идоралари», «ҳокимиятнинг вилоят идоралари» деган атамалар билан



МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашида ана шундай кишилар — меҳнат қаҳрамонлари билан учрашув бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси, меҳнат қаҳрамони Б. Раҳимов очди.

— Сизлар билан бундай учрашув ўтказилаётганидан ғоят хурсандмиз,—деди Бектош Раҳимович. — Суҳбатимиз мароқли ўтади, деган умиддаман. Республикамиз раҳбарияти биз, фахрийлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов шу йил 7 майда «Собиқ ССР Иттифоқининг мукофотлар ҳақидаги қонунида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларни Ўзбекистон Республикаси фуқароларида сақлаб қолиш тўғрисида» фармон чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов республика Президентининг ушбу фармонидан келиб чиқадиган имтиёзлар тўғрисида, вазирликнинг республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси билан ўзаро алоқалари, меҳнат қаҳрамонлари, фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлари тўғрисида гапирди.

Меҳнат қаҳрамонларидан Меҳринисо Убайдуллаева, Ориф Абзалов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Любовь Лк. Азиз Қодиров, Азиз Тўхтабоев, Миннаввар Исҳоқова ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва диққат-эътибор учун ҳукуматимиз, шахсан Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этдилар, республика раҳбариятининг халқ бахт-саодати, тинчлиги ва осойишталигини кўзлаб ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ШУҲРАТ (Ғулом АЛИМОВ)

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов) узоқ давом этган касалликдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Шуҳрат 1918 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олиб, адабиётга шоир сифатида кириб келди. Унинг дастлабки шеърлари 1935 йилда эълон қилиниб, илк достонлари билан эл назарига тушди. Шуҳрат баракали ижод қилди. Ундан йигирмага яқин шеърий тўплам мерос бўлиб қолди, кўплаб шеърлари қўшиқ бўлиб жаранглямоқда.

Шуҳрат йирик насрий асарлари билан ҳам ном қозонди. Унинг «Шинелли йиллар» (1958), «Олтин занглама» (1965), «Жаннат қидирганлар» (1968) романлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олди. У адабиётимизда драматург сифатида ҳам машҳур. Адибнинг «Бешкунлик куёв», «Она қизим» каби асарлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Шуҳрат моҳир таржимон эди. Унинг жаҳон адабиёти мумтоз вакиллари Х. Хайне, А. С. Пушкин, А. Мицкевич, Т. Шевченко, Н. Бараташвилидан қилган таржималари шеъриятимизнинг боқий мулки бўлиб қолди.

Шуҳрат оғир ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. У иккинчи жаҳон уруши жабҳаларида жанг қилди, қатағон йилларининг жабру жафосини чекди. Лекин ҳамиша ҳалол ва ҳақгўй адиб, самимий ва диёнатли инсон бўлиб қолди, ўз халқи, ўз Ватанини астойдил севиб яшади, толмас ғайрат, жўшқин эҳтирос ила ижод қилди.

Адибнинг ижоди бир қатор орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Эл севган адиб, оташқалб инсон, ёш қаламкашларнинг меҳрибон мураббийси Шуҳратнинг ёркин хотираси унинг дўстлари ва мухлислари қалбида ҳамиша яшаб қолади.

И. Каримов, А. Муталов, И. Жўрабеков, М. Қорабоев, М. Умурзоқов, А. Фозилбеков, Э. Ҳайитбоев, О. Ёқубов, Саид Аҳмад, Шукрилло, Э. Воҳидов, Жамол Камол, А. Орипов, Ё. Аҳмедов, Б. Қорниева, Р. Аҳмедов.

ҲАЛОЛЛИК

Юнусобод бозори гавжум. Пештахталардаги ёз неъматлари кўзни олади. Биров гилос, бяров помидор харид қилади.

— Гилосингиз неча пул, — сўради европача қийинган қизча.

— Меҳмонга ўхшайсиз, сизга арзон, олақолинг. — Қорачадан келган хушрўй жувон сархил гилосдан тортиб, қизнинг халтасига солди.

Қибрай туманидаги Май қишлоғида яшовчи Роза Жонибекова пештахта устида ётган ҳамёнга кўзи тушиб, аввалига ҳайрон бўлди. Унда 13 минг сўм пул ва бошқа буюмлар бор эди. Кейин қизни ахтара бошлади. Лекин тополмади.

Эртаси куни Роза гилос сотиш учун яна бозорга келди. Ҳамён эгасини кута бошлади.

Пермь вилоятининг Чернушка шаҳридан Тошкентдаги қариндошларникига меҳмон бўлиб келган Эльвира Мулланурова ҳамёнидан умидини узган бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши бозорга кириб таниш аёлни излади. Ниҳоят, улар бирбири билан кўришди. Ҳамён эгасига топширилди.

(ЎзА).

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ ЙЎЛИ

Камчаткалик пенсионер В. Акинишининг таъкидлашича, ашаддий чекувчилар оддий сув ичиб, кашандаликдан осонгина қутулишлари мумкин экан.

— Чеккинг келдими, қўлинг сигаретга бормай, сувга борсин, иложи борича кўпроқ ичишга ҳаракат қилсанг, чекишдан тез қутуласан, — дейди нафақахўр.

Олтмиш ёшли бу кишининг ўзи аввал жуда кўп чеккан ва оқибатда сурункали бронхит касалига мубтало бўлган. Шундан сўнг у сув ичиб, чекишни мутлақо ташлаб юборди.

Бу—қизиқ

ЎСИМЛИК БАРГИ ХАВФДАН ОГОҲЛАНТИРАДИ

Қадимий эртакларда дарахт ва ўсимликларнинг гапиргани, овоз бергани ҳақида ҳикоя қилинади. Илмфан эса уни тан олмаган эди. Бир гуруҳ олимларнинг ўтказган илмий тажрибаларидан маълум бўлишича, помидорнинг барглари ҳашарот ея бошласа, бу барг туғилган хавфни тундаёқ бошқа барглларга электр сигнал воситаси билан етказар экан. Бу хабар берилиши билан бошқа барглар ўз муҳофазаси учун заҳарли кимёвий модда ишлаб чиқарар экан. Бу барглари ва ҳашаротнинг ҳазм тизими бузилиб, етарлича овқатлана олмас экан.

Англиялик олим Дэвид Линтон: «Илмий тажрибалар шуни кўрсатадики, ўсимликлар ҳам бир жиҳатдан жониворлар каби» деган гапни айтган.

Бундан 20 йил аввал америкалик олимлар помидор барглларини ҳашаротлар еганда мудофаа тизими пайдо бўлишини аниқлашганди. Лекин улар хавф пайдо бўлганлиги борасида сигнал баргдан баргга қандай йўл билан ўтишини аниқлай олишмаган эдилар. Ўтказилган янги тажрибадан маълум бўлишича, ҳашаротнинг ейишидан зарарланган барг сигнал бериши билан бошқа барглардан мудофаа молекулалари пайдо бўлар экан. Хавф пайдо бўлганлигини ифодаловчи электрик сигнал йўли тўсилганида, барглар мудофаа молекулаларини ишлаб чиқармайдилар.

Шуни айтиш керакки, олимлар ҳали ўсимликларнинг қайси ҳужайраси электрик сигнал пайдо қилишини билишмайди. Улар «Баргни ҳашарот ея бошлаганида сувини йўқотган ва қисқарган ҳужайралар электр сигналига сабаб бўлса керак», деб таҳмин қилишмоқда.

Тўхтахўжа МАҲМУДОВ,
биолог.

ҲАМЁНЛАРИ ТЕШИЛДИ

Кутилмаганда табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари бош мироб ишлаб турган хонага кириб боришди. Қувват Эшмуродов улар билан саломалик қилишга ҳам улгурмай, дудуқланиб қолди.

— Қачонгача хизмат вазифасини бажаришга пайжа орасидан қарайдиган бўлиб қолдингиз, — дейишди улар.

— Бўлмаган гап, сизларга мени тўғримда нотўғри маълумот беришган, — деди мироб Қувват Эшмуродов.

— Сиз ер, сувни асраш ўрнига, ҳосилдор ерларни сувга бостиряпсиз. Ер остқи суви юзага кўтарилиб, экин майдонлари шўрланиб кетяпти. Оқибатда ер ишдан чиқиб, ҳосилдорлик пасаймоқда, — дейишди назоратчилар.

Темир Малик номли давлат жамоа ширкат хўжалигининг бош мироби Қувват Эшмуродов билан табиатни муҳофаза қилиш Касби туман қўмитаси назоратчилари ўртасида тортишув узоқ давом этди. Мироб туман қўмитаси назоратчилари билан қанчалик талашиб-тортишмасин фойда чиқмади. Сувдан нотўғри фойдаланганлиги учун назоратчилар мироб устидан далолатнома тузишди. Қувват Эшмуродов табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчиларига бўйин эгиб, ён босишга мажбур бўлди. Унга 4000 сўм миқдорида жарима солинди.

«Қашқадарё» давлат жамоа ширкат хўжалигининг мироби Нормурод Ҳазратовнинг айби билан анчагина экин майдонлари сувга бостирилган. Ҳосилдор ерлар тупроғини сув ювиб, зовурга оқизиб туширган.

Худойқул Ғузоров табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари номини эшитди дегунча, қуён бўладиган одат чиқарган. Нимага дейсизми?! Айтишларича Худойқул Ғузоров ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ўрнига табиатга зарар келтиришда айбланган. Табиат назоратчилари унга 4000 сўм миқдорида жарима ҳам солишган экан. Суриштириб билганимизда Худойқул Ғузоров ҳосилдор ерларни ишдан чиқариб, ўсимлик учун фойдали микроэлементларни сувга оқизиб, зовурга тушириб қўйгани учун назоратчилар тузоғига илинган. Шундай қилиб, табиатнинг ифлосланишига, экологик ҳолатнинг бузилишига йўл қўйиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини топтаган «Ғалаба», Т. Малик номли, «Қашқадарё» жамоа ширкат хўжаликларининг бош миробларини Қувват Эшмуродов, Худойқул Ғузоров, Нормурод Ҳазратовлар жарима тўлаш ҳақидаги далолатномаларга имзо чекканларидан сўнг кўзлари мошдек очилди.

«Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» мақолини Темир Малик номли жамоа ширкат хўжалигида ишлайдиган бош мутахассислар ҳамон тушуниб етмаган кўринадилар. 19 апрель куни табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари, туман прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда давлат хўжалигида ер ва сувдан қандай фойдаланилаётганлигини текширувдан ўтказдилар. Текширишда қишлоқ хўжалик тайёратоҳи қонунсиз равишда бузилиб, экин экилганлиги аниқланди. Қўмита ходимларининг аралашуви натижасида хўжалик бош ҳосилоти Абдурайим Эшонқуловга 8 минг сўм миқдорида жарима белгиланди.

Гулнора Сайдалиева «Пахтаой» болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайди. У раҳбарлик қилаётган боғча фаолияти табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари томонидан қайта-қайта текширилган. Район ва вилоят рўзномаларида «Пахтаой» болалар боғчаси фаолияти ҳақида танқидий мақолалар эълон қилинган. Лекин боғча мудирасига танқид чивин чақанчалик кор қилмаяпти. Боғча Касби пахта тозалаш заводига қарашли бўлиб, бу ерда ичимлик сувнинг ифлосланиши аниқланди. Қонун бузиш ҳолати 1992 йилда ҳам содир этилганди, Мудира Г. Сайдалиевага нисбатан бу гал қўмита назоратчилари томонидан 750 сўм миқдорида жарима солинди. Бундай фактларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари томонидан А. Навоий номли давлат хўжалигининг Абдулла Турдиев бошқарувчилик қилаётган 3-агроучасткасида текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, бу ерда сув тўғрисидаги кодекснинг 66-моддаси қўпол равишда бузилган. Ғаллачилик бригадаси бошлиғи Ҳамро Қурбоновга нисбатан назоратчилар томонидан 7500 сўм миқдорида жарима солинди. Шу агроучастка бедачилик бригадаси бошлиғи Узоқ Шойиев ҳам сув тўғрисидаги кодекснинг юқорида кўрсатилган моддасини қўпол равишда бузганликда айбланди. Унга ҳам 7500 сўм миқдорида жарима солинди.

Шу давлат хўжалигининг чорвачилик фермери Сафар Ғойибов Ўзбекистон Республикасининг «Сув ресурсларини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонуннинг 66-моддасини бузганлиги ҳақида далолатнома тузишга тўғри келди. Сувдан хўжасизларча фойдаланилганлиги сабабли анчагина майдонга зиён етказилган. Экин майдони ва катта йўлнинг икки томонида экилган тутзорлар сувга бостирилган. Ўз қилмишларини тан олган Сафар Ғойибов 6000 сўм пул тўлашга мажбур бўлди.

Ер манбаларидан фойдаланиш борасида табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси назоратчилари ташкилот ва давлат хўжаликларида оммавий текширишлар ўтказганда қатор камчиликлар аниқланди. Назоратчилар Акбар Мейлиев раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидаги корхонасида текшириш ўтказишганда мазкур ташкилот рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланди. Ташкилотда ердан фойдаланиш учун давлат ҳуқуқини берувчи далолатнома йўқ. Корхона ҳовлиси ахлатхонага айлантирилган. Назоратчилар бунинг учун корхона раҳбари Акбар Мейлиевга 10 минг сўм жарима белгиладилар ва у ундириб олинди. Корхонани эса давлат рўйхатидан ўтказгунга қадар вақтинчалик маблағ билан таъминлашни тўхтатиш тўғрисида қўмита қарор чиқарди.

«Танаси бошқа дард билмайди, мақолини Касби пахта тозалаш заводида ишлаётган баъзи кимсаларга тааллуқли десак, аччиқлари чиқмасин. Шу йил 30 март куни заводга қарашли «Т-28» трактори ҳайдовчиси Азиз Норматов завод ҳовлисидан олиб чиққан ахлатларни «ЮК-7» коллекторининг чап қирғоғи устига тушираётган пайтда тўхтатилди. Трактор ҳайдовчисига 1500 сўм жарима солинди ва дарҳол ундириб олинди.

Бундай қусурлар афсуски, корхона, ташкилот хўжалик раҳбарлари томонидан тез-тез содир этилмоқда. Улар ҳақида район Кенгашларининг сессиялари, фаоллар йиғилишларида танқидий фикрлар айтилишига қарамай, табиатни муҳофаза қилиш, ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, саноат корхоналари, қишлоқ жойларида экологик вазиятни яхшилашга тўғрисида ҳамон жиддий ўйлаб кўрилмаётганлиги ачинарлидир. Албатта, булардан мутасадди раҳбарлар хулоса чиқариб, иш фаолиятларида ўзгариш ясайдилар деган ниятдамиз.

Юсуф БУРОНОВ,
Касби район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ранси.

Жўра ЮСУПОВ,
жамоатчи мухбир.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси таҳририяти қашқадарёлик мухбиримиз Шавкат Султоновга волидаи муҳтарамаси

Беҳбуд БАДАЛ

қизининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ **«Хожатбарор»** ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

ҚУЙИДАГИ ДАСТГОҲЛАР, УСКУНАЛАР ВА АШЁЛАР СОТИЛАДИ

— 1Г329 типидаги револьвер-токарлик дастгоҳи;
— 2А061 типидаги гайка кесадиган дастгоҳ;
— АВЗ-63Д вакуумли насос;
— АДД-2 типидаги дизелли пайвандлаш агрегати;
— пластмассадан буюмлар тайёрлашда қўлланиладиган У-100 см³ типидаги тик пресслаш ускунаси;
— АИР, № 120 вт, № 180 вт электродвигателлари;
— 40х130 ўлчамидаги дераза ойналари;
— чархлаш-кесиш дастгоҳлари;
— ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари;
— пармалаш дастгоҳлари;
— ёғочга ишлов беришда қўлланиладиган токарлик дастгоҳи;
— пластмасса учун пигментлар;

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 34-74-59.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

1993—1994 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги бўлимга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия (шу жумладан фермерлик ихтисослиги), мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси, зоомуҳандислик, ўрмон, боғ ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш.

Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади. Абитуриентлар учун консультациялар — 25 июндан 25 июлгача ўтказилади.

Абитуриентлар томонидан ректор номига ёзилган ариза билан университетнинг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусха), 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/У андозадаги тиббий маълумотнома, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари қуйидаги фанлар блоклари бўйича ўтказилади:

— иқтисод ихтисослиги (бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш; агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш) бўйича математика, она тили ва ижтимоий фанлар (тарих, география).

— агрономия ихтисослиги (агрокимё ва тупроқшунослик: агрономия (шу жумладан фермерлик); мева-сабзавотчилик; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ипакчилик; қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси; зоомуҳандислик; ўрмон, боғ ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш) бўйича табиий фанлар (химия, физика, биология), математика ва она тилидан.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси талаба танлов маркази томонидан — 31 июлда бир кунда бўлиб ўтади.

Университетга танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тест синовлари натижасида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

Университетга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш ҳақида «Низом» асосида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700183, ТошДАУ (19, 49, 83, 96, 156, 167, 491-автобуслар ва 15, 28, 52, 53-маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати).

Маълумот учун телефон: 63-76-00.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ И. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЖУМҲУРИЯТ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1993-94 ўқув йилига

«Доришунослик», «Ҳамшира иши», «Лаборатория диагностикаси», «Гигиена ва эпидемиология» мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1 июндан 15 августгача қабул этилади.

Кириш имтиҳонлари кимё (оғзаки), ўзбек (рус) тили (ёзма) фанларидан бўлади. «Ҳамшира иши» мутахассислиги бўлимига ўқишга кирувчилар биология (оғзаки)дан ҳам имтиҳон топширадилар.

Билим юрти раҳбари номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади: ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома, 080-шаклдаги тиббий маълумотнома, 4 дона фотосурат (3х4 см). Паспорт шахсан кўрсатилади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ишчилар маҳарчаси, Барнаул кўчаси, 9-уй, тел: 482259.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИҲСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—276. 31650 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.